

5. Годосийчук А.В. Проблемы и перспективы развития инновационной деятельности в образовании // Конкурс. - 2007. - № 1. - С. 20-37.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ПЕДОГОГИК БОШҚАРИШНИНГ ЙЎЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Кабилов Бахрон Давронович

ТДИУ, Таълимни рақамлаштириши маркази бошлиғи

mister_kab@mail.ru

Аннотация

Мақола олий таълим тизимини бошқаришнинг назарий масалаларига қаратилган. Хусусан, мақолада “менежмент”, “бошқарув”, “компетенция”, “касбий компетенция” каби тушунчалар педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Аннотация

Статья посвящена теоретическим вопросам управления системой высшего образования. В частности, в статье с педагогической точки зрения анализируются такие понятия, как «менеджмент», «менеджмент», «компетентность», «профессиональная компетентность».

Abstract

The article focuses on theoretical issues of higher education system management. In particular, the article analyzes concepts such as "management", "management", "competence", "professional competence" from a pedagogical point of view.

Калит сўзлар: Бошқарув, менежмент, компетенция, касбий компетенция.

В статье рассматриваются теоретические вопросы управления системой высшего образования. В частности, в статье с педагогической точки зрения анализируются такие понятия, как “управление”, “менеджмент”, “компетентность”, «профессиональная компетентность».

Ключевые слова: Управление, менеджмент, компетентность, профессиональная компетентность.

The article focuses on theoretical issues of higher education system management. In particular, the article analyzes such concepts as "management", "management", "competence", "professional competence" from a pedagogical point of view.

Key words: Governance, management, competence, professional competence.

Кириш

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакиллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохатлар бугунги кунда ўзининг

натижаларини намоён этмоқда. Жумладан қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хужалигини ислох қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш борасида ахамиятли ютуқлар қулга киритилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан асосий мақсад миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ўз навбатида фуқароларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини намоён қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, ҳақиқий иқтисодий барқарорлик учун реал шароит яратади. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши иқтисод тармоғи учун коллежда олган билимларини интеграциялай оладиган, тез ўзгараётган бозор шароитида тез ўз йиқилини топиб кета оладиган кичик мутахассисларни самарали тайёрлаш билан узвий равишда боғлиқдир.

Ҳозирги кунда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг асосий вазифалари-талабаларни бўлғуси касбий иш фаолиятига тайёрлашдан иборат. Иш фаолиятига тайёрлаш ўз ичига қуйидагиларни олади, яъни бир томондан иш фаолиятида зарур бўладиган билимлар асослари билан қуроллантириш, бошқа томондан эса, касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Умуман, таълимнинг янги мақсадлари ижодкор шахсни шакллантириш, ўз фаолиятини мустақил танлашни шакллантиришни назарда тутаяди. Таълим жараёнининг сифати аксарият ҳолларда, ўқувчининг қай даражада билиш субъекти бўлиши, ўқиш жараёнида фаоллик кўрсатиши ва мустақил билим олишга интилиши билан белгиланади.

Бу тўла маънода замонавий ўрта мутахассисларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилаётган УМКХТ тизимига ҳам алоқадор.

Бироқ таълим муассасаларида ўқитиш амалиётининг таҳлили, айнан шу ҳолат ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган, ҳали-ҳануз ўқитишнинг репродуктив шакл ва услубига таянувчи бўлажак етук мутахассисни касбий тайёрлаш тизимида етарли даражада эътиборга олинмаётганлиги ҳақида ҳулоса чиқаришга асос бўлади.

Олий таълим соҳасидаги бошқарувнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “олий таълим муассасалари бошқарув кадрлари захирасига киритиладиган номзодларга қўйиладиган профессионал компетенцияларга оид талаблар; номзодларнинг интеллектуал, психологик барқарорлик, ташкилотчилик маҳорати ва бошқарув салоҳияти даражасини аниқлаш, уларни социометрик сўров элементларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш тартиби; раҳбарлик лавозимларига тавсия этиладиган номзодларни мақсадли ўқитиш, уларнинг профессионал компетенцияларини ривожлантириш ва тегишли соҳалардаги билимларини ошириш механизмлари яратиш” каби муҳим вазифалар белгиланган [1].

Замонавий шароитда олий таълимни бошқариш ижтимоий институтларни, биринчи навбатда оилани жалб қилиш, муаммо ва вазифаларни ҳал қилиш ва ўқув жараёнини ташкил этишда талабанинг ролини ўзгартириш зарурлигини белгилайди. Бу ерда талабанинг роли турли хил таълим маконида таълимни танлашни аниқлашда, шунингдек, таълимни молиялаштиришда иштирок этишнинг муҳимлигида кўринади. Оила ижтимоий институт сифатида ўқув жараёнида қуйидаги вазифаларни бажаради: бир томондан у талабанинг таълимни молиялаштиришда иштирок этади, бошқа томондан у университетни ва бўлажак талабанинг мутахассислигини танлашда иштирок этади.

Ватанимиз, ҳамдўстлик давлатлари олимларининг қуйидаги илмий асарлари таҳлил этилди ва улар тадқиқотнинг назарий асосларини ташкил этди:

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини оширишнинг истиқболлари буйича Р.Х. Джураев, У.И. Иноятов, Х.Ф. Рашидов, Н.Ш. Шодиев ва бошқалар, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш муаммолари буйича У.Н. Нишоналиев, Н.А. Муслимов, А.Р. Ходжабаев ва бошқалар фундаментал илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Таълими тизимида етук мутахассислар тайёрлаш, педагог кадрлар тайёрлаш малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув-услубий мажмуалар буйича П.З. Ишанов, Б.С. Нуриддинов, С.Ф.Ражабова, А.А. Шоюсупова, Д.М. Файзуллаевалар, замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ва амалиёти буйича Н.Н. Азизходжаева, И.А. Аллаёров, Л.В. Голиш, Н.С. Саидахмедов, Б.Л. Фарберман, УД. Толипов, таълимни ривожлантириш, сифатини такомиллаштириш, янги педагогик технологияни таълим жараёнига қўллаш буйича ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан В.П. Беспалько, М.М. Левина, М.В.Кларинларнинг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилди.

Касбий ҳамжамиятлар доирасига мослашиш ва самарали фаолият юритиш учун зарур универсал - таянч лаёқатлари ҳамда мутахассислик буйича ишларни бажариш учун зарур ва етарли билим, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш замонавий касбий тайёргарликнинг натижаси бўлиши лозим.

Бозор муносабатлар демократик асосда ва инсонпарварлик руҳида кўрилаётган бир пайтда юқори малакали иқтисодчиларни тайёрлашда ўқув жараёнига лаёқатлилиқ ёндашувларини киритиш таълим мазмуни, ўқув жараёни ва педагог фаолияти амалиётида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Шунинг учун бундай тайёргарликнинг диққат марказида - шахс, педагогика фанининг диққат марказида эса - шахсга қаратилган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; “Таълим тугрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”; Вазирлар маҳкамасининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришга оид қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланшида таълимнинг устувор йуналиш эканлиги ҳақидаги ғоялар - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро

конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаси, мазкур муаммога оид етук мутахассис олимлар томонидан илгари сурилган назариялар ва қарашлар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этди.

Иқтисодий талим жараёнида талабаларнинг мустақил таёргарлигини бошқариш воситаларининг педагогик асослари; иқтисодий таълим жараёнида фаоллаштирувчи омиллар; иқтисодий талим жараёнида талабаларнинг мустақил таёргарлигини бошқариш воситаларини шакиллантиришда самарали таълим методлари; иқтисодий таълим жараёнини фаоллаштириш технологияси.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил таёргарлигини педагогик бошқариш жараёнини фаоллаштириш технологиясининг назарий ва амалий натижаларидан Республикамизнинг таълим муассасаларида, касб-хунар коллежларида иқтисодий фанларни ўзлаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий даражасини ошириш ўқувмуассасасини барча бўғинларини эркинлаштиришга ва ички хўжалик ҳисобига ўтишига асосланади. Концепцияни асосий ҳолати сифатида таълимнинг мазмунли томони аҳамиятли ҳисобланади. Шундай қилиб таълимни ривожлантиришдаги муҳим йўналишларни амалга оширишга ёрдам берувчи принциплар тизимини, қуйидагича тақдим этиш мумкин:

Таълимни инсонпарварлаштириш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- ижтимоий ва шахсий иштиёқнинг бирлиги;
- таълимнинг мазмуни ва шаклини танлашида ўқувчининг шахсий сифатларини устунлиги;
- муносабатларни шартномавий регламентга солиш; яқуний натижалар бўйича фаолиятни баҳолаш.

Таълимнинг ижтимоий йўналганлиги қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- мақсадли тайёргарлик;
- узлуксиз таълим ва касбий таълимнинг мазмун ва шакллари мосулашувчанлиги;
- касбий тайёргарликни сифатини ўқувчиларни ривожланишини башоратлаш асосида бошқариш;
- барча турдаги манбалардан фойдаланишни оқилона ташкил қилиш.

Жадаллаштириш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- ўқитувчини касбий имкониятидан тўлиқ фойдаланиш;
- таълим тизимини меъёрий лойиҳалаштириш; ахборот технологияларни қўллаш.

Ушбу принциплар аниққув муассасасини вазифаларини ҳисобга олувчи, ташкилий лойиҳада мужассамлашиб кетиш учун, унинг хусусиятини, бутун таълим тизими таркибларини ифодалаш йўллари очиқ бериш лозим. Буни эса таълим тизимининг моҳиятли ифодаланишдан бошлаш керак. Бу вазифага ижтимоий-шахсий жихатидан касб-хунар таълими муассасалари фаолиятни кўриб чиқиш мувофиқ бўлади.

Республикамизда юқори малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнинин такомиллаштириш зарурияти қуйидаги омилларга боғлиқлигини кўриш мумкин:

□ Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тез ривожланиб ва янги тармоқларнинг вужудга келиши;

□ Ишлаб чиқариш корхоналирининг замонавий жиҳозлар билан таъминланиши, замонавий ишлаб чиқариш технологияларнинг кириб келиши ва жорий этилиши.

Ушбу омиллар ишлаб чиқариш соҳаларида замонавий технологияларни ишлатиб ва уларда бажариладиган технологик жараёнларни мустақил бажариш ва ўзлаштириб бориш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган кичик мутахассислар билан таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Демак ишлаб чиқариш корхоналирининг замонавий технологиялар ва фан-техниканинг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган техникалар билан таъминланиши мазкур ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тайёрланган малакали кичик мутахассислар билан таъминланишини талаб этади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун касб-хунар коллежларидаги тайёрлов йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўрганиладиган ҳар бир фанларнинг мазмунида тегишли соҳаларнинг энг сўнгги техника ва технологик ютуқлари акс эттирилиши, амалиётларни илмий асосда ташкил этиш, касбга ўргатишнинг самарали шакллари ва усуллари, замонавий воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш келажакда бўлажак кичик мутахассисларни ўзлари танлаган касблари бўйича меҳнат бозорида ҳеч қийналмасдан ўз ўринларини топа олишларига замин яратади.

Педагогик тажриба аввалдан тадқиқот мақсади билан белгиланган махсус ташкиллаштирилган фаолият хисобланади. Тажрибанинг мувафақияти тадқиқотчининг назарий ва амалий тайёрлигига, муаммони ўрганиш қизиқиши ва хохишига, шунингдек уни ўтказиш учун фойдаланиладиган усулларга боғлиқ бўлади.

Амалиёт назариянинг асосий манба ва уни ҳаққоний лигини белгиловчи мезон эканлигини ёдда тутиб, талабаларнинг мустақил таёргарлигини педагогик бошқариш мазмуни ва технологиясини самарадорлигини аниқлаш бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этдик.

Касб-хунар коллежи талабаларининг, билим ва кўникмаларини баҳолаш учун махсус ишлаб чиқилган анкета сўровномалари ўтказилиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил таёргарлигини педагогик бошқариш муаммосининг аҳамиятини аниқлаш учун Тошкент Иқтисодиёт ва Сервис коллежида мутахассислик йўналишидаги фанлардан дарс берадиган ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида анкета сўровномалари ўтказилди.

Ўқитувчилардан қуйидаги саволларга жавоб бериш сўралди:

1. Талабаларнинг мустақил таёргарлигини педагогик бошқариш самарадорлигини аҳамиятини нималарда кўрасиз?

2. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкиллаштириш йўллари биласизми?

3. Талабаларнинг мустақил фаолиятини шакллантириш жараёнини ташкиллаштириш йўллари биласизми?

4. Ўқув машғулотларида иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида Талабаларнинг мустақил таёргарлигини педагогик бошқариш ва шакллантириш жараёнини фаоллаштиришда қандай йўл вавоситалардан фойдаланишни биласизми?.

Анкета сўровномаси жавоблари амалиётда ўқитувчиларни ўзлаштириш жараёнини фаоллаштириш йўллари тўлиқ билмасликларини кўрсатди. Бу ўқитувчиларнинг ушбу муаммони ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларини тушунмаганликлари билан боғлиқ;.

Ўқитувчиларнинг 1-саволга берган жавобларининг таҳлили кўпгина ўқитувчилар таълим муассасасида замонавий етук мутахассисларни тайёрлашда иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил изланувчилик кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг аҳамиятини юқори баҳолаганликларини кўрсатди. Уларнинг таъкидлашича, бу алоқалар:

- Билимларни жиддийлаштиради, бойитади, мустаҳкамлайди;
- Билимларни амалда қўллашга ўргатади;
- Янги материални, сабаб-оқибат алоқаларини онгли идрок қилишга ёрдам беради;
- Билимларнинг етарлилигини, мустаҳкамлигини, билимлар тизимини ҳар томонлама хусусиятларини таъминлайди.

Кўпчилик ўқитувчилар (41,9%) биринчи ўринга савия, мантиқий фикрлаш, нутқ, хотира, ижодий ва мажмуали кўникмалар, ўқувчиларнинг гистак-хоҳиш ва мустақилликларини ривожлантиришда ўзлаштириш жараёнини фаоллаштириш аҳамиятини илгари сурадилар.

Иқтисодий таълим жараёнида талабаларнинг мустақил таёргарлигини педагогик бошқаришни фаоллаштириш (шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, барқарор дунёқарашни шакллантириш, мустақил меҳнатга тайёрлаш, политехникалаштириш иш ва касбга йўналтиришдаги аҳамияти) вазифаларини 27,3% ўқитувчи тушуниб етмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Таълим мазмуни таълим олувчиларни маълумотли қилиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадларини кўзлаб, ўқув муассасасининг тури, мақсад ва вазифалари, таҳсил олувчиларнинг индивидуал ёш хусусиятлари, ўқиш муддати, шарт-шароити ва кўплаб педагогик, психологик, физиологик омилларни ҳисобга олган ҳолда эксперт ва тажриба-синов усулида танлаб олинади.

Бундан мақбул ахборот хажмини танлаб олиш ва уни таҳсил олувчилар имкониятларига уйғунлаштириш зарурияти келиб чиқади. Зарур ва етарли ўқув материални ажратиб олиш учун касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига қўйилган давлат талабларини билишнинг ўзи кифоя.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. www.lex.uz
2. М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев. Менежмент. – Т., Ўқитувчи, 2001 йил.
3. Р.Х. Джураев, С.Т. Турғунов. Таълим менежменти. – Т., Вориснашриёт, 2006 йил.
4. Ғ.М. Қосимов. Менежмент. – Т., Ўзбекистон, 2002 йил.
5. Н. Муслимов ба бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Т., 2015 йил
6. М.А.Инназаров. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). Автореферат. пед.фан.фал.док. – Т. 2020.
7. Петровская Л. А., Растяников П. В. Диагностика и развитие компетентности в общении. М.: Издательство Московского ениверситета, 2000 – с. 342.
8. Зимняя И. А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования, Высшее образование сегодня, 2009 г. - № 5.
9. Огарев Е.И. Компетентность образования: социальный аспект. СПб.: Изд. РАО ИОВ, 2005. - 170 с.